

CHIRCHIQTONGI



**Toshkent viloyati
Chirchiq shahar
hokimligining
ijtimoiy-siyosiy gazetasi**

**2025-yil, 27-iyun JUMA
25-son (10272)**

ОРЗУ ВА ИНТИЛИШЛАР ҚАНОТИДАГИ ЁШЛИК

▼ Раҳбар минбари



Бугунги навқирон авлод ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган, билим олиш, меҳнат қилиш, қобилият ва истеъдодларини намоён этиш учун ҳамма зарур шароитлар мавжуд бўлган мамлакат – Ўзбекистонда яшаётганлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Шаҳримизда 14-30 ёшгача бўлган ёшлар сони 29,073 минг нафар бўлиб, бу аҳолимизнинг салкам 60 фоизини ташкил этади. Юрт тақдири ва келажига дахлдордирлик туйғуси билан яшаётган, жаҳонда кечаётган сиёсий-иқти-

содий жараёнларга теран кўз билан қараб, доимо юксак марраларни кўзлаб, дадил қадам ташлаётган бу навқирон авлод том маънода ҳам Учинчи Ренессанс пойдеворининг бунёдкорлари сифатида мамлакатимизнинг тарих зарварақларига ёзила-жак, албатта.

Том маънода олганда ҳам бугун ёшларимиз фаол бўлмаган ва ислохотлар жараёнига чуқур кириб бормаган жамият ҳаётининг бирор бир соҳаси йўқ ҳисоб. Серғайрат ва билимдон ёшларимиз ўзларининг қўлга киритган катта-катта ютуқлари, эришган муваффақиятлари билан халқимизни янада қувонтирмоқда, жаҳон ҳамжамияти олдида мамлакатимиз нуфузининг янада ошишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бундан қувонмай бўладими, ахир! Чунки ҳар бир давлатнинг бугуни, эртанги кун ва порлоқ келажиги биз ва биз каби тенгдошларимизнинг саъй-ҳаракати билан узвий боғлиқ, албатта. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тақдири, тараққиётининг асосий бўғини саналмиш ёшларимизнинг замонавий билимларни эгаллашлари, ёрқин келажакимиз учун масъулият ҳиссини ўз зиммасига олишга қодир бўлган, интилувчан, ташаббускор авлодни тарбиялаб, вояга етка-

зишга асосий эътиборини қаратиб келмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, истеъдод ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўналтирилган фармон, қонун ва қарорлар қабул қилмоқда.

Жумладан, бевосита Президенти-миз ташаббуси билан бошланган ва бугунги кунда оммавийлик касб этган "Беш ташаббус олимпиадаси" иқтидорли ёшларни танлаш ва истеъдодли намоён этишда катта имкониятлар эшикларини очиб берди. Бу мусобақаларда чирчиқлик ёшлар вилоят ва республика босқичларида юқори натижаларни қўлга киритдилар. Профессional шахмат, ёш мусаввирлар йўналишларида "Маданият", "Ишонч", "Воҳид Ҳайдаров", "Амир Темур", "Аҳмад Яссавий" номли маҳаллалар йигит-қизлари намуна кўрсатиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Жорий йилнинг апрель ойида "Беш муҳим ташаббус" олимпиада-

си доирасида футбол бўйича Давлат хавфсизлик хизмати кубогининг маҳалла ва шаҳар босқичларида "Қамолот" ва "Ҳамза" номли маҳалла ёшлари ғолибликни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. "Беш ташаббус" таълим муассасалари, ОТМ ва маҳаллаларда жисмонан ва маънан соғлом, етук йигит-қизларни тарбиялаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга уларни фаол жалб этиш, илмий-ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда асосий дастуриламал вазифасини ўтаб келмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

2

НИГОҲЛАРДА ҚУВОНЧ, ҚАДАМЛАРДА ИШОНЧ

лаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ватан ҳимоясидек шарафли бурч-ни адо этишни ўз олди-

ларига мақсад қилиб қўйган Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ёш офицерлари учун навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди.

Унда Мудофаа вазирининг

биринчи ўринбосари генерал-майор Зайнобиддин Иминов, Чирчиқ шаҳар ҳоқими Муроджон Абдурахимов, Қу-

ролли Кучлар фахрийлари ва Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қўмондонлиги, Мудофаа вазирлиги

ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакиллари, битирувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Ушбу тантанали маросимда шайхонлар раҳбари сўзга



чиқиб, ёш зобитларни самимий қутлади, уларга таълим-тарбия берган устоз-мураббийлар ва ота-оналарнинг меҳнатини эътироф этди.

Билим юрти битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари тақдир этилган меҳмонлар, Қуруллой Кучлар фахрийлари иштирокида тантанали равишда топширилди.

Битирувчилар ҳам зиммаларидаги улкан масъулиятни ҳис қилган ҳолда билдирилган юксак ишончга муносиб ватанга садоқат билан хизмат қилишга ваъда бердилар. Битирув маросими турли саҳна чиқишлари ва концерт дастурлари билан давом этди.

Насиба ҒОҒУРОВА



Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапирар эканмиз, юртимизда мутахассисларни тайёрлашнинг замон талабларига жавоб берадиган самарали тизими яратилганлигини, натижада эса юксак назарий ва амалий билимга эга бўлган ҳарбий хизматчилар ўз малакаси ва маҳорати билан Қуруллой Кучларимиз сафларидан муносиб ўрин эгал-



ОРЗУ ВА ИНТИЛИШЛАР ҚАНОТИДАГИ ЁШЛИК

Ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши, бизнес юритиб, даромад топиши учун ҳали ҳеч қачон бугунгидек кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган эмас. Шаҳримиздаги "Maxam-Chirchiq", Chirchiq Texnopark, "AgroTech" кластери, "Uztex Group" ва яна ўнлаб, саноат корхоналарида асосан ёшлар меҳнат қилмоқда. Инвестиция киритиб, дунёнинг ривожланган мамлакатларидан олиб келиб ўрнатилган, энерготехамкор, иш унуми юқори бўлган, замонавий агрегат ва дастгоҳларни мохирлик билан бошқараётган ёшлар сифатли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳеч бир жамият таълим, илм-фан тараққиётисиз ҳар томонлама ривожланган, истиқболи порлоқ мамлакатни барпо эта олмаслиги бор гап. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни юқори босқичларга олиб чиқиш шу кундаги энг долзарб масалалардандир. Онгу-тафаккурда соғлом фикр, миллий гурур, умумбашарий қадриятлар боғча ва мактабларда камол топади. Дунё тамаддунидан ўрин эгаллаган буюк сиймо — Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбеклар, Ал-Хоразмий, Нақшбандий, Алишер Навоийлар ҳам дастлабки билимни мана шу каби таълим масканларидан олганлар. Биз биламизки, сўнгги йилларда таълим, илм-фан ривожига мамлакатимизда жуда катта эътибор қаратилмоқда, ўқитиш сифатини ошириш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш — бугун бош мақсад қилиб олингани ҳам шундан. 2024-2025 ўқув йилида шаҳримиздаги мавжуд 25 та мактабларни 2 минг 343 нафар ўқувчилар битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олган бўлса, уларнинг 13 нафари муддатидан олдин талаба бўлди. 11-синф битирувчилари орасида 67 нафари олтин медаль, 12 нафари кумуш медаль билан мактабни тамомлади. Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Аслида, ёшлар барча давр ва маконларда жамиятнинг фаол қатлами бўлиб келган. Бугун у ёшлар тадбиркорлиги ривожига ўзини намоён этмоқда. Шаҳримизда фаолият олиб бораётган креатив индустрия парклари, бизнес мактаблари, IT соҳасида "Бир миллион дастури" лойиҳаси, электрон тижорат каби хизмат кўрсатишнинг инновацион йўналишлари янгилikka ўч, ташаббускор йигит-қизларни аллақачон ўзига жалб қилиб олганига анча вақт бўлди. Интилувчан, изланувчан, холис фикр эгалари турмуш ва ҳаёт тарзларини яхшилаб, жамиятда ўзларининг мустақил ҳаёт йўлини топиб кетишда бу каби янгича ишлаб чиқариш тизимлари, айниқ-

(Давоми. Боши 1 - саҳифада)

са, асқотмоқда. Ёшлар агентлиги ҳузурида тузилган жамғарма, тижорат банклари, турли уюшмалар, ҳокимлик ва шу каби бошқа ташкилотлар ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани ва стартап лойиҳалар қўллаб-қувватланиб, маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан инвестициялар киритилаётганлиги, буларнинг бари аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга, маҳаллалар, юрт ободлигига хизмат қилмоқда.

Тенгдошларимиз ахборот технологиялари йўналишида ҳам ўз маҳоратларини ишга солиб, янги лойиҳалар билан майдонга чиқаётганликлари қувонарлидир. Уларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишга қўмаклашиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, "Кабутар" маҳалласи ёшлар етакчиси Абдумажид Деҳқонов томонидан умумий қиймати 150 минг АҚШ долларлик "Аҳолига сифатли ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш"ни рақамли босқичга олиб чиқиш йўналишида янги стартап-лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Мазкур лойиҳа "Чирчиқ тажрибаси" сифатида республика раҳбарияти томонидан алоҳида эътироф этилди. Бу барча чирчиқлик ёшларнинг ютуғидир. Биз ўзимизнинг истеъдодли, билимли ва матонатли ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак кам. "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган бундай йигит-қизлар бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу каби берилаётган имтиёзлар, бизнес лойиҳаларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда шаҳар ҳокимлиги томонидан кўрсатилаётган ёрдам, эътибордан тенгдошларимиз чексиз миннатдор.

Ёшларимизнинг ижтимоий-ҳимояси ҳам давлатимизнинг доимий диққат эътиборидаги масалалардан биридир. Эртамиз эгалари бўлган ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими — "Ёшлар дафтари" ва "Ёшлар дастурлари" ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Айниқса, "Ёшлар баланси" платформаси асосида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасини ўз ҳаётида аниқ ҳис этмоқдалар.

Шаҳримизда ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар натижасида ўтган 6 ой мобайлида "Ёшлар дафтари"га кирган 78 нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 282 млн сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, 56 нафар талабанинг 225 млн сўм миқдоридagi контракт пули, 1 нафар йигитнинг 8 млн 100 минг сўм миқдоридagi сафарбарлик қақируви резерви учун белгиланган бадал пуллари тўлаб берилди.

Шу билан бирга, 20 нафар ёшларга 30 млн сўм миқдоридa моддий ёрдам маблағлари ажратилиб, 1 нафар ёшга 18 млн сўм миқдоридa даволаниш харажатлари тўлаб берилди ҳамда 5 нафар ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 330 млн сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жорий ўқув йилида шаҳримиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар мактабини 2 минг 393 нафар ёшлар тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Шу боис, ёшларнинг бандлигини таъминлаш фаолиятимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир ва бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотида спорт алоҳида ўрин эгаллайди. Кези келганда шуни таъкидламоқчиманки, мамлакатимиз спорти ривожидa катта ўринлардан бирини эгаллаб турган Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт университетининг Чирчиқда жойлашганлиги ҳамда талабаларнинг жаҳон спорт ареналарида эришаётган ғалабалари шаҳар ёшларига айтиш мумкинки, ўзига хос мотивация бағишлайди. Келинг, узоққа бормайлик, Ўзбекистон терма жамоамиз жаҳон чемпионатига йўлланмани муддатидан аввал қўлга киритиб, жаҳон футбол тарихида ўзига хос из қолдирди. Президентимиз мамлакатимизда спортни ривожлантириш ҳамда футбол бўйича Осиёнинг энг кучли жамоалари ўртасидаги саралаш баҳсларида жасорат ва матонат кўрсатиб, тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларидан катта бир гуруҳига "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвонлари ва BYD автомашиналари калитларини топширди. Мен нега бунга алоҳида урғу бермоқдаман? Сабаби, эришилган натижаларга салмоқли ҳисса қўшган футболчилар орасида шаҳримиздаги ЎзДЖТСУ талабалари Абдуқодир Хусанов, Аббосбек Файзуллаев, Абдувоҳид Нёзматларнинг борлиги ҳаммамизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Айтиш мумкинки, ўз навбатида, ёшларимиз ҳам жаҳон спорт ареналарида бу каби эришаётган салмоқли натижалари билан давлатимиз томонидан спортга кўрсатилаётган юксак эътиборга муносиб жавоб бермоқдалар. АҚШ, Мексика ва Канадада келаси йил ўтадиган жаҳон чемпионатида жамоамизнинг бунданда юксак натижаларни кўрсатишлари тилакдош бўлиб қоламан.

Шу ўринда, шаҳримиз ёшларининг спорт соҳасида қўлга киритаётган ютуқларини ҳам эътироф этиб ўтиш ўринли. Куни кеча пойтахтимизда ўтказилган Дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида шаҳримиздаги спорт мактабининг тарбияланув-

чиси Абдурахим Нутфуллаев иштирок этиб, кумуш медални қўлга киритган бўлса, спортнинг каратэ тури бўйича Осиё чемпионатида чирчиқлик Севинч Отабоева муваффақиятли иштирок этиш билан фахрли 2-ўринни эгаллади.

Шунингдек, ёшларимизнинг санъат йўналишида эришаётган ютуқлари ҳам салмоқли бўлмоқда. Биргина мисол, республика миқёсида ўтказиб келинаётган "Ёшлар овози" танловида Чирчиқ шаҳридаги 3-сонли Болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқувчилари иштирок этиб, минглаб иштирокчилар орасидан фахрли 2-ўринни эгаллаб, 60 млн сўм пул мукофотини қўлга киритдилар.

"Ёшлар овози" танловининг республика босқичида Мирзо Ғолиб маҳалласидан эстрада йўналишида Ясмينا Абязова, "Бахт" маҳалласидан эстрада йўналишида Фарангиз Джалолова 2-ўринни қўлга киритиб, 30 млн сўмдан пул мукофотига, вилоят босқичида "Баҳор" маҳалласидан бахшичилик йўналишида Музаффар Шодиев, "Иқбол" маҳалласидан опера йўналишида Ридван Сулайменовлар 1-ўринни қўлга киритиб, 10 млн сўмдан пул мукофотига сазовор бўлдилар. "Моҳир фортепианачи" танловининг вилоят босқичида Мирзо Ғолиб маҳалласидан Ксения Шегай ҳамда "Иқбол" маҳалласидан Абубакр Уматалиевлар 1-ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Айтиш мумкинки, бугунги янги Ўзбекистон ёшлари барча соҳаларда беллашувга тайёр. Айни пайтда уларнинг катта бир қисми ўз вақтини чет тилини ўрганишга сарфлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. "Ибрат тиллари" платформаси орқали 20 мингдан зиёд ёшлар тил ўрганмоқда. Ҳозирги кунга қадар 5 минг 300 нафар ёшлар тил сертификатига эга бўлди.

Барчага аён, бугунги ёшлар — кечаги ёшлар эмас. Уларнинг дунёқараши, онги, орзу — истаклари, талаблари ўзгарган. Албатта, бу гаплар эзгу ният ва яхши маънода айтилган. Глобал дунёда барча соҳаларда тараққиёт ҳам шиддат билан одимламоқда. Мана шундан келиб чиқиб, жараёнлар оқимида кузатувчи эмас, уни бошқарувчиси бўлишдек масъулият тенгдошларимиз олдида турган долзарб вазифа бўлиши керак. Ёшларга доир сиёсатдан кўзда кутилган мақсад ҳам мана шунда, деб ўйлайман. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ёшларимиз маррани янада баланд олиб, мустаҳкам ирода ва катта шижоат билан энг баланд чўққиларни забт этишга белни маҳкам боғлашлари давр талабидир. Биз бунга ҳамиша тайёرمىз.

Нуриддин МИРЗАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги Чирчиқ
шаҳар бўлими бошлиғи

ЧЕГАРА БИЛМАС ОФАТ

Сир эмас, ҳозирги замонда гиёҳвандлик ва унга қарши курашиш умумбашарий муаммолардан, бутун дунё ҳамжамиятини, шу жумладан, мамлакатимизни ҳам жиддий ташвишга соладиган масалалардан бири.

Бу муаммо ҳудуд, миллат, дин, жинс, ёш ва бошқа чегараларни билмаслиги билан ҳам ўта хавфли. Шунинг учун гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши самарали кураш олиб бориш масаласи жаҳон ҳамжамиятидан барча куч ва воситаларни бирлаштириб, биргаликда ҳаракат қилишни талаб этади.

Фан-техника шиддат билан ривожланаётган ҳозирги замонда одам ақл-заковати билан яратилаётган янги машиналар, компьютер ва бошқа мураккаб техникалар инсон нималарга қодир эканлигидан далолат беради. Ўз навбатида, илм-фаннинг тез ривожланиши эртанги кун учун соф фикрли соғлом ёшларни тақозо қилади. Лекин дунё аҳлини ташвишга солаётган гиёҳвандлик вабоси борган сари ёшларни ўз комига тортиб келмоқда.

Бугунги кунда кўпчилик ёшларнинг гиёҳвандлик воситалари таъсирига тушиб қолишла-


ри нафақат қонун ҳимоячиларини, балки бутун жамоатчиликни ташвишга солади. Лекин ҳар бир шахс, аввало, бу йўлга кириб қолмаслик ўзига боғлиқ эканини унутмаслиги лозим, чунки шахснинг гиёҳвандга айланиши кўп ҳолларда ўзининг юриш-туришига боғлиқ. Масалан, турли базмларда турли кўринишдаги гиёҳванд ва одам организмига кучли таъсир этувчи психотроп моддаларни истеъмол қилиш шахснинг ўзи билмаган ҳолда бу касалликка чалинишига сабаб бўлади.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, Жиноят кодексидаги асослар мавжуд бўлганда, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шу ўринда гиёҳвандликка яқин яна иккита иллат бор. Бу кашандалик ва ичкиликбозлик.

Кашандалик — бу саломатлик учун ўта хавфли эканлиги

аллақачон исботланганига қарамасдан, инсоният ҳамон воз кечолмаётган иллат. Буюк ҳаким бобомиз Абу Али ибн Сино ёзганидек, "Агар чанг ва ғубор бўлмаганида эди, инсон минг йил яшарди". Тамаки тутуни таркибида эса нафақат чанг ва ғубор, балки сизу биз тасаввур ҳам қилолмайдиган мингдан ортиқ заҳарли моддалар бор.

2005 йилдан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича ҳадли конвенцияси амал қилиб келмоқда ва унга 83 — ҳозирга қадар сайёрамиз аҳолисининг 90 фоизидан зиёд қисми истиқомат қилувчи 180 дан ортиқ мамлакат қўшилган. Афсуски, жаҳон ҳамжамиятининг бу каби глобал сазъ-ҳаракатларига қарамасдан, тамаки етиштириш ва истеъмол қилиш кўрсаткичи бариб, пасаймаяпти. Ичкиликбозлик эса спиртли ичимликларни узоқ вақт мунтазам ичиб юриш натижасида келиб чиқадиган алкогολизм касаллиги. Мутахассислар аниқлашича, спиртли ичимликнинг ҳатто, юз грамм миқдори ҳам соғлом одамнинг бош мия фаолиятини ўзгартириб юборар экан.



Маълумотларга қараганда, психоневрологик диспансерларга мурожаат қилувчи руҳий касалликларга дучор бўлганларнинг энг кўпи ичкиликбозликка мубтало бўлганлардир. Ичкиликка ўрганган киши секин-асталик билан заҳарланади. Кейинчалик эса ичмасдан тура олмай-диган бўлиб қолади, оғир маст бўлгунча ичаверади. Натижада сержаҳллик, уйку бузилиши, масъулиятсизлик, бошқаларга ва ҳатто, ўзига ишонмаслик, тез толиқиш, умумий ҳолсизлик аломатлари сезилади. Касалликнинг олди олинмаса, асаб тизими бутунлай издан чиқади ва руҳият ўзгаради.

Улуғ мутафаккир Платон ўз даврида "Мастлик — бу ихтиёрини жинниликдир", деган эди. Ичкилик натижасида қатор оғир хасталиklar, айниқса, ошқо-

зон-ичак, бош мия, руҳий ҳолат бузилиши, жигар, юрак-қон томир тизими касалликлари келиб чиқади. Фарзандлар ирсий касалликлар (майиб-мажруҳ, туғма нуқсонлар) билан дунёга келади. Ичувчиларда умр кўриш давомийлиги ичмайдиганларга нисбатан камида 10 йилга қисқаради. Яна бир даҳшатли томони ичкиликбозликка дучор бўлганлар соғломларга қараганда юз баравар кўп жиноят содир этади ёки шунга мойил бўлади. Хулоса қилиб айтганда, биз кўриб ўтган иллатлар унга мубтало бўлганларнинг нафақат ўзига, балки яқинларига, жамиятга, айниқса, ёшларга ҳар томонлама салбий таъсир кўрсатади ва охир-оқибат истиқболга ҳам таъсир қилади.

Шунинг учун ҳар бир инсон бундай иллатлардан узоқ бўлиши, яқинлари, қолаверса, жамоат назоратининг субъекти сифатида бегоналарни ҳам бундай йўлларга кириб қолишдан асраши керак.

Шоилҳом ШОАКБАРОВ,
Чирчиқ ҳарбий
прокурорининг ўринбосари,
адлия капитани

Хар йили 27 июнь юртимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун сифатида кенг нишонланади. Бу сана ҳақиқат сўзини жамоатчиликка етказиб, жамият тараққиётида муҳим ўрин тутадиган матбуотчилар меҳнати билдириладиган эътироф ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, сўз қудрати билан жамият онгини шакллантираётган қалам аҳли учун улуг ва шарафли кундир.

**Донолар бисотидан:
Агар сўз тўғри
бўлса, уни айт, агар
нотўғри бўлса, ундан
ёмонроғи — уни яши-
ришдир.
Конфуций**

Матбуотчилар — жамият ҳаётининг турли жабҳаларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни халққа етказувчи, адолат ва ҳақиқатни ёритишда, фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини давлат идораларига етказишда воситачилик қилувчи масъулиятли касб эгалари ҳисобланади. Уларнинг фаолияти — одамлар дилидаги гапларни тилга олиш, давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли тарзда жамиятга етказиш, шунингдек, ошкоралик ва очиқ мулоқот муҳитини яратишга хизмат қилишдан иборат.

**Оммавий ахборот
воситалари одамлар-
ни бошқарувчи кат-
та кучдир.
Томас
Джефферсон**

Бугунги кунда ахборот технологиялари, сунъий интеллект платформалари шиддат билан ривожланар экан, оммавий ахборот воситалари ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Электрон ОАВ, интернет-журналистика, блогерлик каби йўналишлар ривожланиб, тезкор ва холис ахборот учун рақобат кучаймоқда. Бу эса журналистлар зиммасига янада катта масъулият юкламоқда. Хар бир чоп этилган мақола, эфирга узатилган дастур ёки интернетда эълон қилинган хабар ортида журналистнинг халққа бўлган умиди, жамиятга юз тутадиган тараққиёт йўлини кўрсатишга бўлган интилиши ётади. Зеро, журналист сўзи халқнинг сўзидир, қалами — ҳақиқат шамширидир.

Ҳеч кимга сир эмас, матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиклик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

Ижод аҳли, айниқса, журналистлар рўй бераётган воқеликка теран кўз билан боқиб, уни ўз ҳаёти ва турмуши билан чамбарчас тасаввур этиб фикрлайдиган жонкуяр инсонлар, қалби қайноқ кишилардир.

Шу ўринда жонажон шаҳримизда туғилиб, ижод қилиб келаётган, жонкуяр, фидокор журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, ўз меҳнати ва ҳалоллиги билан халқ эътиборини қозониб келаётган соҳа фидойилари ҳақида сўз айтишни жоиз деб билдик.

**Ҳақиқатни ай-
тишдан кўркма-
чунки у барибир
юзага чиқади.
Маҳатма
Ганди**

Чирчиқлик олий тоифали суҳандон Мақсуда Қоратоева номини ҳамшаҳарларимиз фахр билан тила олишлари бежизга эмас. Сабаби ёрқин истеъдод эгаси шу йўналишда кўп йиллардан буён сидқидилдан меҳнат қилиб, ўзига хос мактаб яратган журналистлардандир. Мақсуда опанинг телевидение орқали хар бир чиқишлари ўзига хослиги билан кўплаб юртдошларимиз қалбини забт этган.

Телевидение соҳасида кўп йиллар самарали хизмат қилиб, кўплаб ёш кадрларга устоз бўлган шаҳримизда истиқомат қилаётган таниқли шоира Гуландом Тоғаева ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Айни пайт-

**Олтинга эга бўл-
ганлар эмас, ахборот-
га эга бўлганлар ду-
нёга эгалик қилади.
Фрэнсис Бэкон**

да у Чирчиқ давлат педагогика университетида талабаларга билим бериб, келажак авлоднинг салоҳиятли мутахассис бўлиб етишишига ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг ижодий фаолияти ва ўқув-тарбия соҳасидаги тажрибаси ёшлар учун мактабидир.

Маълумки, юртимизда анъанавий

СЎЗ ВА ҲАҚИҚАТ ПОСБОНЛАРИ

**Агар сўзингиз
дунёга ёрқинлик бер-
маса, уни гапирманг.
Саъдий Шерозий**

тарзда хар йили «Олтин қалам» миллий танлови ўтказиб келинади. Мамлакатимизнинг журналистика соҳасидаги энг нуфузли мукофотлардан бири ҳисобланган ушбу танлов эркин сўз, холис ахборот ва юксак журналистик маҳоратни рағбатлантириш, соҳа вакиллари янги ижодий изланишларга ундаш мақсадида ташкил этилади. Шу кунгача минглаб иқтидорли матбуот ходимлари, телерадио журналистлар, интернет нашрлари ва блогер-

**Журналист —
ҳақиқатни ёзадиган,
сўнгра бу ҳақиқат
учун жавоб беради-
ган инсон.
Джордж Оруэлл**

лар «Олтин қалам» танлови ғолиби ва совриндорлари бўлишди. Мана шундай юксак унвонга мушарраф бўлган журналистларимиздан бири ҳамшаҳримиз Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида Ватанимизнинг бўлажак посбонларига кўп йиллар сабоқ бериб келган, ҳозирда пенсияга чиққан Чори Насриддиновни тилга олиш мумкин.

Қўлингиздаги «Чирчиқ тонги» газетаси кашф қилган ёш мухбирлардан бири — Акмал Самеджанов ҳам ўз услубига эга ижодкор. У ўзининг турли мавзудаги мақолалари билан шаҳримиз тарихини ёритиб, кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Ана шундай серғайрат ёшлар қаторида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали суҳандони Нозина Исакова номини эътироф этиш ўринли. Оилада сеvimли ёр, меҳрибон она, маҳоратли оила бекаси бўлган Нозина Миллий ахборот соҳасида ҳам муносиб ўринга эга.

Шунингдек, мазкур газетада меҳнат қилаётган фахрли журналистлардан Абдуҳамид Фозилов, Тошкент вилояти



Журналистлар уюшмаси раиси, «Ёшлар мураббийси» унвони соҳиби Раҳматилла Шералиевларнинг самарали меҳнатларини эътироф этмаслигининг иложи йўқ. Бундай қалам аҳли шаҳримизнинг юзи,

**Сўз — энг катта
қудрат: у одам-
ни йўқ қилади ёки
кўтариб чиқаради.
Лев Толстой**

халқнинг ишончи ва фаҳри ҳисобланади. Уларнинг барча меҳнатлари ва хизматлари катта таҳсинга лойиқ. Улардан ёшлар ибрат олиб, ҳақиқат ва адолат йўлида холислик билан иш олиб боришлари зарур.

Матбуот — фақат ахборот тарқатувчи эмас. Балки халқ ва давлат ўртасидаги ишонч кўприги экан, хар бир журналистнинг хизмати холис, ҳаққоний ва аниқ маълумотлар билан жамоатчиликни таъминлашдан, одамларни ўйлантирадиган, ислохотларга ундайдиган мавзу ва масалаларни ёритишдан иборат бўлиши керак. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, матбуотчилар жамиятнинг кўзи ва қулоғи ҳамдир. Улар воқеа ва ҳодисаларни ёритиб, юртдошларимизни барча янгилликлардан хабардор қилишда, ҳақиқатни ошқора айтишда жасоратли бўлмоқликлари лозим. Юртимизда сўз эркинлигига эътибор тобора кучайиб бораётгани, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат ҳимоясида экани ҳам соҳадаги ишончли қадамлардан далолатдир.

Сўнсўз ўрнида ушбу байрам муносабати билан фидойи қалам аҳлини, газета ва журнал таҳририятлари, телевидение, радио, интернет нашрларида фаолият юритаётган барча ОАВ ходимларини салимий табриклаймиз! Уларга соғлиқ-саломатлик, ижодий илҳом, қаламида доим ҳақиқат устувор бўлишини, хар бир ёзган сўзи халқ дилидан жой олишини тилаймиз! Хар бир мавзунинг ёритишда қаламлари доим ўткир, фикрлари аниқ бўлсин!

**Саодат МУСАЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси**

ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИ АНТОЛОГИЯСИ

Мазкур номдаги икки жилддан иборат китоб ўзбек журналистикасининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, бугунги кундаги тақомили тўғрисида кенг маълумот берадиган манба сифатида баҳоланди. Унга турли даврлардаги маҳоратли фидойи қалам соҳиблари ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қисқача ахборот, шунингдек, матбуотимиз заҳматкашларининг энг яхши журналистик материаллари киритилган.

Китоб оммавий ахборот воситалари ходимлари, шу йўналишда таҳсил олаётган талаба ёшлар, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий ахборот


агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси китобни нашрга тайёрлаш ва чоп этириш ташаббускорлари бўлишди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида мазкур китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар антологий-

яга юқори баҳо бердилар, китобни тайёрлашда иштирок этган ижодкорларнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилди.

Ўзбек журналистикаси антологиясига киритилган ижодкорлар орасида «Чирчиқ тонги» газетасининг собиқ бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган. Шунингдек, унинг «Сени севганлигим айбим» деб номланган публицистик мақоласи китобдан жой олган.

Мафтуна АЛЛАБЕРГАНОВА



ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ВА ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР

Инклюзив таълимни амалга оширишда оила ва жамиятнинг ўрни беқиёсдир. Махсус эҳтиёжли болалар учун тўлақонли таълим олиш имконини яратиш нафақат педагогларнинг, балки ота-оналар, жамият институтлари ва маҳаллий ҳам-жамиятларнинг фаол иштирокини талаб этади. Замонавий педагогик ёндашувларда “инклюзивлик” тушунчаси шунчаки барча болаларнинг бир маконда ўқиши эмас, балки уларнинг эҳтиёжларига мос, индивидуал ривожланишига хизмат қиладиган таълим муҳити яратишни англатади. Шахсан менинг амалий тажрибамда ҳам махсус эҳтиёжли болалар билан ишловчи ўқитувчиларнинг асосий муаммоси оилавий ҳамкорликнинг сустиги ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш инфра-тузилмасининг етарли эмаслигида кўринади. Шундай экан, инклюзив таълим самарадорлиги кўп жиҳатдан оилавий муҳит ва ижтимоий муносабатларга боғлиқдир.

ОИЛАВИЙ ИНКЛЮЗИВ

Оила — боланинг илк ижтимоийлаштирувчиси. Боланинг ўзига ишончи, ўқув фаолиятига бўлган муносабати, тенгдошлари билан мулоқоти биринчи навбатда оилада шаклланади.

Кузатувларимда шуни кўрдимки, айнан ота-онасининг муомаласининг илиқлиги, эътибори ва давоми бўлган болалар ўз тенгдошлари орасида камроқ ажралиб туради, ўзини эркин ҳис қилади. Аксинча, фарзандини ногирон деб қабул қилган ва уни “ҳимоя” баҳонасида жамиятдан ажратган оилаларда бола ўзини яроқ-

сиз ҳис қилиши, ижтимоий фобиялар билан ўсиши мумкин.

Бошқа томондан, педагогларнинг ота-оналар билан самарали мулоқоти ҳали-ҳануз суст. Таълим муассасалари, айниқса, умумий ўрта таълим мактабларида оилавий маслаҳатлашувлар фақат муаммолар юзага келганидагина амалга оширилади.

ЖАМИЯТНИНГ ТАЪСИРИ

Жамият — бу кенг тушунча. Унга мактаб атрофидаги муҳит, маҳалла, оммавий ахборот воситалари, давлат сиёсати ва кўчадаги тасодифий инсонларнинг қараши ҳам киради. Инсон-

ни жамият қабул қилмаса, ҳатто, энг замонавий дарсликлар ва илғор педагоглар ҳам боланинг ижтимоий интеграциясини тўлиқ таъминлай олмайди.

Шу жиҳатдан қараганда, инклюзив таълим — бу фақат мактаб ичидаги иш эмас, балки жамиятдаги барча тизимларнинг уйғун ҳаракати натижасидир. Мисол учун, жамоат транспорти имкониятларининг йўқлиги кўзи ожиз ёки юришида чеклови бор болалар учун мактабга боришни имконсиз қилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда ногиронлики “дард”, “юк” сифатида тасвирлаш ҳануз мавжуд. Бу эса одамлар онгида салбий ижтимоий стигма ҳосил қилади.

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ВА ЧАҚИРИҚЛАР

Ҳозирги кунда кўплаб педагоглар инклюзив таълим концепциясининг мазмун-моҳиятини етарлича англаб етмаган. Бу ҳолат уларнинг бундай таълим шаклига эҳтиёткорона, баъзан эса оғир юк сифатида қарашларига сабаб бўлмоқда. Махсус эҳтиёжли бола синфга жалб этилганда, ўқитувчилар ундан мустақил, индивидуал ёндашувни талаб қиладиган, дарс жараёнини мослаштириш зарур бўлган ўқувчи сифатида кўрадилар. Бу эса дарс методикасини қайта кўриб чиқиш, вақт ва куч сарфлашни талаб қилгани сабабли, кўпчилик педагогларда

хавотир ва тайёргарлик етишмаслиги билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келади.

Шундай экан, педагогларнинг инклюзив таълимга нисбатан онгли ва ижобий муносабатини шакллантириш, уларни замонавий методикалар, психологик ёндашувлар, адаптив таълим воситалари билан қуроллантириш долзарб вазифа сифатида қаралиши лозим. Фаол ва ишончли ўқитувчи инклюзив муҳитда нафақат таълим берувчи, балки интеграциялашув жараёнининг бош ҳаракатлантирувчиси.

Шу ўринда шахсий тавсияларим билан ўртоқлашишни жоиз, деб биламан. Ҳар бир умумий ўрта таълим муассасасида “инклюзив таълим координатори” лавозими жорий этилиши лозим. Шунингдек, янги ўқитувчиларни ишга қабул қилишда уларнинг инклюзив ёндашувга тайёрлиги ҳам синовдан ўтказилиши, педагогик жамоаларга махсус эҳтиёжли болалар билан ишлаган тажрибали дефектолог ёки логопед-педагоглар бириктирилиши самарали натижаларга эришишда ижобий самарасини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, инклюзив таълим — бу таълим тизимидаги ислохот эмас, балки бутун жамиятнинг инсонларварлик тамойилларига содиқлигининг белгиси. Ҳар бир бола жамиятнинг тенг аъзоси сифатида эътироф этилгандагина, инклюзивлик ўз мақсадига етади. Бу йўлда оила, педагог, давлат ва жамият — барчаси бир йўналишда ҳаракат қилиши шарт. Менимча, бу бир вақтнинг ўзида маънавий тараққиёт йўлидаги муҳим босқич ҳамдир.

Маликахон ХАМИДОВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университети ўқитувчиси

ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВНИНГ САМАРАЛАРИ

Глобаллашув даври таълим тизими олдига янги вазифаларни қўймоқда. Ушбу шароитда таълим мазмунини чуқурлаштириш, ўқувчиларнинг танқидий ва тизимли фикрлаш қобилиятини шакллантириш, фанлар ўртасида боғланишларни англатиш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилига айланмоқда. Айниқса, тарих фанини ўқитишда фанлараро интеграция муҳим аҳамият касб этади.



Бу ёндашув орқали талаба нафақат муайян тарихий воқеаларни ёдда сақлайди, балки уларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий омиллар билан боғлиқлигини англайди. Масалан, тарих дарсларида география, адабиёт, иқтисод, ҳуқуқ, фалсафа каби фанлар билан боғлиқ ҳолда маълумот бериш, ўқувчиларда кенг қамровли фикрлашни шакллантиради.

Мавзу юзасидан мамлакатимизда бир қанча эътиборга молик тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, маҳаллий тадқиқотчилардан С.Тоштемирова умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитиш сифатини оширишнинг долзарб муаммолари бўйича, А.Исмаилов академик лицей ўқувчиларига тарих фанини ўқитишда инновацион технологияларни такомиллаштириш, М.Сатторова ижтимоий йўналишда таҳсил олувчи талабалар-

нинг инклюзив тайёргарлигини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш масалаларида тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Фанлараро интеграциянинг асосий афзалликлари шулардан иборатки, тарихий жараёнларни бошқа фанлар билан боғлаб таҳлил қилиш кўникмасини беради. Воқеалар сабаби ва оқибатини мулоҳаза қилишга ундайди. Таълим мазмуни реал воқелик билан уйғунлашади. Адабиётдан шеърлар, географиядан хариталар, санъатдан асарлар билан тарихий воқеаларни бойитиш таълимга фаоллик олиб киради.

Шунингдек, дарсларда инфографика, жадвал ва хариталардан фойдаланиш, адабиёт ва санъат асарларида тарихий воқеаларни излаш ва муҳокама қилиш, интеграциялашган тест ва савол-жавоб усуллари жорий этиш фанлараро интеграция таълим мазмунини бойитади, таълим жараёнида теранлик ва мантиқийликни таъминлайди.

Зеро, тарих фани кўплаб фанлар билан бевосита боғлиқ. Хусусан, география, иқтисод, адабиёт, санъат, ҳуқуқ каби кўплаб фанлар билан узвий алоқада бўлиб, уларнинг ҳар бири тарихий жараёнларни тушунишда муҳим роль ўйнайди. Тарих фани ўқитувчисининг мазкур фанлар билан интеграция асосида мавзуларни ўқитиш талабаларга тарихий воқеалар, жараёнлар ва уларнинг сабаб-оқибатларини чуқурроқ таҳлил қилиш имкониятларини беради. Жумладан, “Буюк ипак йўли” мав-

зусида тарихий тасаввурларни беришда кўплаб фанларнинг интеграцион намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Айниқса, география фани билан тарих бир-бирига жуда яқин бўлиб, тарихий воқеаларни баён қилишда ўша даврнинг табиий-географик шароитлари тушунчаларини шакллантириш талаб қилинади.

Буюк ипак йўли ҳақида тасаввур уйғотишда, албатта, қайси денгиздан қайси денгизгача ва қайси мамлакатлар орқали ўтганлиги ҳақида географик чизгиларини беришимиз лозим бўлади. Шу ўринда ипак йўлининг мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши ва бундаги пул-товар муомаласи ҳақида маълумотнинг берилиши иқтисод фани билан боғлиқлигини талаб қилса, савдо алоқаларининг маданий ҳаётга таъсирини ўрганишда эса санъат ва адабиёт фанлари билан бевосита боғлаш талаб қилинади. Тарихий воқеаларни географик контекстда ўрганиш, талабаларда мамлакатларнинг ер ресурслари, экологик шароитлари, географик имкониятларининг тарихий воқеаларга қандай таъсир қилганини яхшироқ тушуниш имконияти пайдо бўлади.

Ўқувчиларнинг тарихий воқеалар моҳиятини тўла англашларида тарих фани ўқитувчисининг фанлараро интеграцияни амалга ошириши, яъни мавзунини география, сиёсатшунослик, иқтисодиёт, фалсафа, адабиёт ва санъат фанлари билан боғлиқ ҳолда баён қилиши тарихий тасаввурни тўла шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Фанлараро боғлиқлик тарихий воқеаларнинг умумий манзарасини чуқур таҳлил қилиш имкониятини яратади. Фанлараро интеграцияни таъминлаш умумий ўрта таълим мактаблари ва олий таълим

тизимидеда самарали ёндашув сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимизда мактаб ва олий таълим муассасаларида тарих фанини бошқа фанлар билан интеграция қилиш замонавий таълим ислохотларининг муҳим қисмига айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Ўртимизда таълим тизими янгиланиш жараёни кечаётган даврда, кўп фанли ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, шу асосида эса ўқувчиларда танқидий фикрлаш ва глобал воқеаларни яхлит кўринишда тушуниш қобилиятларини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

Интеграцион ёндашувнинг амалиёти бўйича илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ўқитиш модели ўқувчиларнинг муаммоларни ҳал қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Бу ёндашувни қўллаш жараёнида улар назарий билимларини реал муаммолар билан боғлашни ўрганадилар, бу эса уларни илмий изланишга жалб қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Бундай ёндашув орқали ўқувчи ва талабалар ўз билимларини амалиётда қўллаш имкониятига эга бўладилар. Бу эса келгусида юзага келадиган муаммоларни мустақил ҳал қилишда катта аҳамиятга эга.

Хуллас, фанлараро ёндашув таълим жараёнини жонлантиради, ўқувчининг фаоллигини оширади. Масалан, тарихий воқеаларни адабий асарлар билан уйғунлаштириш ўқувчида нафақат билим, балки ҳиссий таассурот қолдиради ва тарих фанини яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Арслон НАФАСОВ,
Чирчиқ давлат педагогика
университети катта ўқитувчиси

ҲОРДИҚ ВАҚТИ

ЎЙЛА, ИЗЛА, ТОП

	Чатоқлик →					Аёллар журнали, Россия		Машхур рус импера- тори					Хазина, бойлик		Бўлиши мумкин, эҳтимол
	Олий ва ўрта ... таълим		Чегирмали ёрдам, енгиллик		Бильярд таёғи				Кўнгирак садоси		Ўйиндан ташқари ҳолат (спорт.)				
					Балиқ ойқулоғи		Ғалаён, қўзғолон		...-омон юрибсизми?	→			... Ҳачатурян (бастакор)		Сўфи ... (шоир)
	Девори машхур давлат		Куйма олтин	«Наждак» қоғози (ўзбекча)					Эрон хонандаси		Гапировчи тўтиқуш	→			↓
	Ратй, майл					Мистер ... (образ)		...-рост, очиқ- ойдин	→		Тулпор эрқағи		... Қурбонов (хонанда)		
				Туркманистон пули						...-алам	→			...са – ҳазил, ...маса – чин	
Ҳамкор, йўлдош	Қишқи либос, пўстин	Россия телеканал	→			Қисқа ва ихчам, мухтасар	Вой-... (фарёд)				Шаҳар, Бельгия		Занжир (тарихий)		
				Дабдала, мажак				Ёшини яшаб, ...ни ошаган		Сергуз, тузи ўткир				«Фнат» модел	
	Микроавто- бус русуми	Немис хоними				Ёзувчи ҳаёти ва ...и		Европача футбол хайқириғи	→				Шекспир кироли	→	
				Сахро, Ҳиндистон		Тенги чикса, текин ...			... аёло (самовот)	... фон Бисмарк (арбоб)					...-қалъа (обида)
	Доно илон («Маугли»)				Тугун, халта		Нозик қадах хили				Туя букрис		Футболчи Оливер ...		...-бузи чизилган расм
			Ҳинд актёри ... Капур		Давомчи, ворис			Сатира ва ... театри		Кукунли ичимлик тури	→				↓
Кийим тикиш устахонаси							Пишмаган, ғўр			...-новвот (ковун нави)		Юпитер рафикаси		«Замонлар ...» (фильм)	
Профессор		«... бермас касаскор лар» (фильм)		Мавзу (русча)				Бор, йўқол!				...-бади айтишиб ўтирма	→		
				... Клинтон (АҚШ арбоби)		Безор, жонга теккан									
«Аёло» рақам		Соҳибки- рон ... – муслим	→			Айёр, шум									
				Севги-муха- ббат	→										
Ёкилги тури, антрацит	Актёр Эркин ...		Кечки намоз		... тошни сув элтмас										
	Ўқитувчи, мураббий	Икки мачтали кемача тури		Сув ва тупроқ коришмаси		Муסיкий телеканал (Россия)									
	Ривоятчи, машойиҳ		Аяш, раҳм- шафқат												
						Кўринмай-ди- ган тараф									

Давлат ер захираларини асраб-авайлаш, улардан самарали ва қонуний фойдаланиш масаласи бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ерга оид ҳужжатларни қалбакилаштиришга уринаётган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилаётгани ҳам сир эмас.

ҚАЛБАКИ ҲУЖЖАТ – ҚОНУНИЙ ЖАЗО!

Яқинда Бўстонлиқ туман суди томонидан кўрилган ишда 1978 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, муқаддам ЖИБ Бўстонлиқ туман судининг 2010-қисмининг «б» банди, 57-моддаси билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазони тўлиқ ўтаган фуқаро Д.М.нинг жиноий хатти-ҳаракатлари ҳақида аниқ далиллар асосида ҳукм чиқарилди. Маълум бўлишича, у олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар билан ҳамкорликда давлат захирасидаги жами 0,16 гектар ер майдонини сохта ҳужжатлар орқали ўзлаштиришга уринган.

Суд материалларига кўра, Бўстонлиқ тумани ҳудудиди Д.М.нинг онаси Р.М. номига турар-жой қуриш учун ер ажратилмаган бўлса-да, архивдан қалбаки кўчирма тайёрлаб, ҳужжатларга сохта ёзувлар киритган. У Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Бўстонлиқ тумани филиалининг собиқ раҳбари ва му-

тахассиси билан тил бириктириб ҳаракат қилган.

Қалбаки ҳужжатларни расмий кўринишга келтириш мақсадида Чирчиқ шаҳар давлат архиви номидан қалбаки муҳр босилиб, ўша пайтда в.в.б. бўлиб ишлаган масъулларнинг сохта имзолари қўлланилиши ҳам суд жараёнида ўз исботини топди. Шу тарзда амалда мавжуд бўлмаган турар-жой учун сохта кадастр инвентарь жилди шакллантирилган.

Бўстонлиқ тумани “Чимган” МФЙ ҳудудидан турмуш ўртоғи номига турар-жой қуриш учун ер майдони ажратилмаган бўлсада, Д.М. ўзининг жиноий шериклари, яъни Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Бўстонлиқ тумани филиалининг собиқ раҳбари О.А, турар жой мутахассиси О.Т. ёрдамида такоран Чирчиқ шаҳар давлат архивининг сохта кўчирмасини тайёрлаб, унга гўёки турмуш ўртоғи номига “Чимган” қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг 1997 йил 7 сентябрдаги 29-сонли қарори

билан қурилиш учун 0,08 га ер майдони ажратилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритиб, сохта далолатнома асосида амалда мавжуд бўлмаган кўчмас мулкка нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилишига эришган.

Суднинг қарорига кўра, у 168-модда 4-қисм «а» банди, 28, 205-модда 1-қисми, 28, 209-модда 2-қисм «а» банди билан айбдор деб топилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига кўра, тайинланган жарималар қисман қўшилиб, суд томонидан жами 75 миллион сўм жарима жазоси белгиланди.

Бундай қатъий чоралар келгусида шунга ўхшаш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Қонун олдида барча тенг эканлиги ва жазо муқаррарлиги яна бир бор амалда исботланди.

Абдуҳамид МАННАНОВ,
Тошкент Табиатни муҳофаза қилиш прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

Munosabat

ISLOHOTLAR VA
YANGILANISHLAR
SOLNOMASI

O'tgan hafta Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Toshkent viloyatiga, xususan, Parkent tumaniga tashrifi viloyatimiz tarixida unutilmas voqeaga aylandi.

Davlatimiz rahbarining turizm, transport va qishloq xo'jaligi sohasidagi istiqbolli loyihalar bilan shaxsan tanishishi, Toshkent-Sharqiy aeroportidagi qurilish ishlarini ko'zdan kechirishi – mamlakatimizning barcha hududlarini har tomonlama rivojlantirish, iqtisodiy salohiyatni yuksaltirish, aholi bandligini ta'minlash va hududiy muvozanatni saqlashga qaratilgan qat'iy islohotlarning davomidir.

“Bizning eng katta boyligimiz – yurtimiz tinchligi, xalqimizning osoyishtaligi. Tinchlik barqaror bo'lsa, mana shunday bunyodkorlik bo'ladi, rejalar amalga oshadi”, deydi Prezident viloyatning bir guruh faollari bilan uchrashuvda, “Davlat tashkilotlarini safarbar qilib, imkoniyatlarni yuzaga chiqarib,

hamma hududlarni rivojlantirishga harakat qilyapmiz. Parkentga ham istiqloq shabadasi, islohotlar natijasi yetib kelganini ko'rib, xursand bo'ldim. Xalqimiz mana shunday farovon sharoitda yashashga munosib”.

Parkent tumani o'zining boy tarixi, betakror tabiati va mehnatsevar xalqi bilan ajralib turadi. Bu hududda turizm salohiyatini rivojlantirish, transport logistikasini takomillashtirish hamda qishloq xo'jaligida zamonaviy klaster tizimini joriy etish yurtdoshlarimiz hayoti sifatini oshirishga xizmat qilishi shubhasiz.

Zuhridin MIRZAYUSUPOV,
O'zbekiston Ekologik
partiyasi Chirchiq shahar
partiya tashkiloti Kengashi raisi



Muassis:

Toshkent Viloyati Chirchiq Shahar
HOKIMLIGI

“Chirchiq tongi” gazetasi tahrir
hay'ati:

Murodjon ABDURAHIMOV
(tahrir hay'ati raisi)
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Shavkatbek MAMAJONOV
Ibrohim HASANOV
Saodat MUSAYEVA
Ilhom ASADOV

Bosh muharrir:

Iroda
MUHAMMAZIZOVA

Gazetaga 1932-yilda asos
solingan

2011-yil 22-avgustda Toshkent
viloyati Matbuot va axborot
boshqarmasida 03-024 raqam
bilan ro'yxatga olingan

Manzili: 111700,

Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Amir Temur ko'chasi, 1-uy, 409,
410, 411 va 412-xonalar

Adadi: 3000 nusxa.

Hajmi - 1,5 bosma taboq.
Qog'oz bichimi A-3. Ofset
usulida bosilgan. Bahosi
kelishilgan narxda
ISSN 2181-7170

Telefonlar:**Qabulxona:**

71-71-5-36-40.

E'lonlar va hisob-kitob
bo'limi:

71-71-5-00-14

Nashr indeksi: 64694

Topshirish vaqti-13.00.

Topshirildi-14.00.

Gazeta tahririyat kompyuter
markazida

Xatira YUSUPOVA
tomonidan sahifalandi

Navbatchi:

Malika RISKIDINOVA

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi
va muallifga qaytarilmaydi.
Reklama materiallaridagi dalillar
va faktlarga tahririyat javobgar
emas

«NISO NASHRIYOT VA MATBAA
UYI» MCHJ bosmaxonasida
chop etildi.

Korxona manzili:

Toshkent viloyati, O'rta Chirchiq
tumani,

Mash'al mahallasi, Markaziy
ko'cha, 1-uy.

Buyurtma №

YANGI O'ZBEKISTONNING BUNYODKORLARI!

30-iyun – Yoshlar kuni.
Bu kun mamlakatimizda

har yili keng
shodiyonalar bilan
nishonlanadi.
Shahrimizda ham
sana munosabati
bilan “Kimyogarlar”
madaniyat saroyi
hovlisida katta
bayram tadbiri
o'tkazildi.

Tadbirida shahar
hokimligi, korxona
va tashkilotlar mutasaddilari va
chirchiqlik yoshlar ishtirok etdi.

Yuqori kayfiyatda boshlangan
tantana avvalida shahar hokimi
M.Abdurahimov so'zga chiqib,
yoshlarni bayram bilan samimiy
tabrikladi.

Ta'kidlanganidek, davlat
tomonidan ko'rsatilayotgan e'tibor
natijasida yoshlar ta'lim, ilm-fan,
IT va zamonaviy texnologiyalar,
tadbirkorlik, biznes, madaniyat va sport
yo'nalishlarida yuksak marallarni zabt
etib, yurtimiz taraqqiyotiga munosib hissa
qo'shmoqdalar.

Yoshlar uchun maxsus tayyorlangan
bayram dasturida taniqli san'atkorlar
Shoxrux, “Sitora” guruhi, Kaniza, Oybek
va Nigora hamda “Marokand” guruhlari



ishtirok etib, o'zlarining diltortar
qo'shiqlari bilan tadbirga o'zgacha ruh
bag'ishlashdi.

Yoshlar festivalida 8 mingdan ortiq
yigit-qizlar qatnashib, har jabhada faol
ekanliklarini yana bir bor namoyon
etishdi.

Tadbir doirasida shahrimiz rivojiga
munosib hissa qo'shayotgan bir guruh
faol yoshlar taqdirlandi.

Yoshlarga aytadiganimiz –
o'tayotgan har bir kunning qadriga
yeting. O'qing, o'rganing, izlaning.
O'shanda nafaqat bu kun, balki har bir
kun sizniki bo'ladi.

Malika RISKIDINOVA

**O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik
va jamoat salomatligi qo'mitasi raisining birinchi o'rinbosari Nurmat Satiniyazovich Atabekovning
Korrupsiyaga qarshi kurashish borasida fuqarolar, tadbirkorlar va soha mutaxassislariga
MUROJAATI**

**Assalomu alaykum, hurmatli
yurtdoshlar, tadbirkorlar va
Sanepidqo'm mutaxassislari!**

Davlatimiz rahbari raisligida
joriy yilning 5-mart sanasida
korrupsiyaning oldini olish
bo'yicha ishlar natijadorligi va
kelgusidagi ustuvor vazifalarga
bag'ishlangan kengaytirilgan
yig'ilish bo'lib o'tdi.

Barchamizga ma'lumki,
korrupsiyaga qarshi kurashish
O'zbekistonda davlat siyosatining
eng ustuvor yo'nalishlaridan
biriga aylanib ulgurdi, buni
so'nggi yillarda sohaga oid
qabul qilingan normativ-huquqiy
hujjatlar, korrupsiyaning oldini
olishga qaratilgan ma'muriy
islohotlar hamda davlatimiz
rahbari raisligida o'tkazilgan
kengaytirilgan yig'ilishdan ham
ko'rishimiz mumkin.

Korrupsiya holatlarining oldini
olish va ularni bartaraf etishning
eng muhim jihatlardan biri –
davlat boshqaruvi tizimida «inson
omili»ni kamaytirish, ma'muriy
va byurokratik to'siqlarni bartaraf

etish, ro'yxatga olish, litsenziyalash
va ruxsat berishga doir tartib-
taomillarni soddalashtirishdir.

Hurmatli yurtdoshlar!

Sanitariya-epidemiologik
osoyishtalik va jamoat salomatligi
qo'mitasi (Sanepidqo'm) va uning
quyi tizimidagi muassasalar
xodimlari tomonidan qonun
buzilishiga doir holatlar yoki
ijtimoiy soha obyektlarida,
xususan, davolash-profilaktika
hamda maktab va maktabgacha
ta'lim muassasalarida nazorat
tadbirlarini amalga oshirish
chog'ida hamda davlat xizmatlarini
ko'rsatish paytida, jumladan,
ruxsatnomalar va mahsulotlarga
sanitariya-epidemiologik xulosa
olish jarayonida noqonuniy
harakatlarni ilg'agudek (ko'rsangiz,
sezsangiz va guvoh bo'lsangiz)
bo'lsangiz, Sanepidqo'mning
quyidagi 78/888 01 01 (066) (011)
hamda qisqa 1354 raqamli aloqa
tizimi orqali xabar berishingizni
so'raymiz!

Jismoniy va yuridik
shaxslarning murojaatlarini

“Ishonch telefonlari” orqali
qabul qilish haftaning dam olish
kunlaridan (shanba va yakshanba)
tashqari har kuni soat 9:00 dan
18:00 gacha amalga oshiriladi.

Ushbu raqamlar orqali Siz,
Sanepidqo'm va uning quyi tizimi
muassasalari xodimlari tomonidan
yo'l qo'yilayotgan korrupsiya va
boshqa noqonuniy xatti-harakatlar
yoki harakatsizligi, shuningdek,
sohaga doir sodir etilgan yoki sodir
etilayotgan jinoyatlar va boshqa
huquqbuzarliklar haqida xabar
berishingiz mumkin.

Agar so'ralgan yoki taqdim
etilgan ma'lumotlar yuqorida sanab
o'tilgan holatlar Sanepidqo'm
faoliyatiga taalluqli bo'lmasa, u
holda mas'ul xodim tomonidan,
ariza (murojaat) muallifi qaysi
vazirlik yoki idoraga murojaat
qilish kerakligi haqida tushuntirish

beradi.

Murojaatlar anonimligi va
qo'ng'iroq egasi tomonidan
berilgan ma'lumotlar sir tutilishi
kafolatlanadi.

Ishonch telefoni orqali kelib
tushgan murojaat belgilangan
tartibda ro'yxatga olinadi hamda
qonunchilikka asosan ko'rib
chiqiladi.

Ishonamanki, Sanepidqo'm
jamoasi korrupsiyaga qarshi
kurashish sohasida qabul qilingan
amaldagi qonunchilik hamda
idoraviy hujjatlarga, shuningdek,
kasbiy odob-axloq qoidalariga
qat'iy rioya etgan holda, mazkur
tashabbusni qo'llab-quvvatlaydi
va sohaning korrupsiyaga qarshi
kurashishga oid chora-tadbirlari
hamda idoraviy hujjatlari ijrosini
so'zsiz bajarishda shaxsiy
na'muna ko'rsatishadi.

E'LO

1993-yil 25-iyunda Chirchiq shahar 9-kichik nohiya 31-uy
5-xonadon uchun Mirzaxmedov Islambay Xasanbayevich nomiga
berilgan 08-01/2968-reyestr raqamli Davlat dalolatnomasi (order)
va 11:20:01:03:04:0040:0001:005-reyestr raqamli kadastr hujjatlari
yo'qolganligi sababli bekor qilinadi.